Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

Ishonch

2026-yil,
11-noyabr,
chorshanba
№140-141
(5361)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Ҳеч шубҳасиз, биз эришаётган натижаларда 8 миллионга яқин аъзога эга, энг халқчил ва катта нодавлат ташкилоти бўлган касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



КУЧЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ – КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

11 ноябрь – мамлакатимизда меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш йўлида фаолият юритаётган касаба уюшмалари тизими учун муҳим аҳамиятга эга сана. Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «Chinobod Plaza» санаторийсида Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига бағишланган тантанали анжуман ўтказилди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, ҳудудий кенгашлар, тасарруфдаги ташкилотлар мутасаддилари, барча ҳудудлардан ташриф буюрган касаба уюшмаси фахрийлари, Федерация уюштирган қатор танловлар ғолиблари ва меҳмонлар қатнашдилар.

3 >>>

Тантанали тадбир тафсилотлари «Ishonch»нинг Телеграмдаги саҳифаларида

Молдова Миллий касаба уюшмалари конфедерацияси делегацияси юртимизга ташриф буюрди. Дастлаб улар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида бўлиб, соҳа вакиллари билан учрашишди. Мулоқот давомида касаба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш ва ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш масалаларида фикрлашилди.

Ўзбекистон ва Молдова касаба уюшмалари: ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов меҳмонларни самимий қутлаб, уларга Федерация раҳбарияти вакилларини таништирди. Шунингдек, мамлакатимиз касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишлари ҳақида маълумот бериб, Молдова Миллий касаба уюшмалари конфедерацияси билан дўстона ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади.

– Сўнгги ўн йил давомида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида мамлакатимизда барча соҳаларда кенг кўламли ва чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда, – деди Қ.Рафиқов. – Бу ўзгаришлар ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида яққол намоён бўлаётганини сиз ҳам ташриф давомида ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Бугун халқаро сиёсий ва ижтимоий лексиконда «Янги Ўзбекистон» тушунчаси мустаҳкам ўрин эгаллади. Нега мамлакатимиз тараққиётининг бугунги босқичини айнан шундай атаймиз? Бунинг мазмун-моҳиятини, аввало, юртимизда рўй бераётган улкан ўзгаришлар, янгиланишлар ва амалий натижалар орқали англаш мумкин. Биз сизларнинг ушбу жараёнларга шахсан гувоҳ бўлаётганингиздан мамнунмиз.

Меҳмонлар ҳам ўз навбатида таклиф учун миннатдорчилик билдириб, соҳа фаоллари, Молдова учун, йиллар давомида тўпланган тажриба аҳамиятли эканини таъкидлашди. Касаба уюшмалари ҳаракатининг асосий мақсади ва миссияси бу – меҳнаткаш инсонни давлат сиёсатининг марказига қўйиш, унинг ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат эканини қайд этдилар.

Молдова Миллий касаба уюшмалари конфедерацияси раиси Игорь Зубку касаба уюшмалари таълими масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Унинг таъкидлашича, билим ва мунтазам касбий ривожланиш касаба уюшмалари ҳаракатининг келажагини белгилайдиган омиллардан биридир.

Делегация вакиллари Ўзбекистонда ходимларни санатор-курорт муассасаларида соғломлаштириш борасида тўпланган тажрибага ҳам қизиқиш билдириб, мазкур тизимни ўрганиш ва Молдовада татбиқ этиш имкониятларини кўриб чиқишга тайёр эканликларини айтдилар.

Учрашувда Федерация вакиллари касаба уюшмалари фаолиятининг муҳим йўналишлари бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот бердилар.

Мулоқот ва тажриба алмашиш жараёнида икки мамлакат касаба уюшмаларини муштарак мақсад ва вазифалар бирлаштириши яна бир бор ўз тасдиғини топди. Ўзаро ҳурмат ва самимий ҳамжиҳатлик руҳида ўтган учрашув якунида иштирокчилар эришилган келишувлар келгусида янги қўшма ташаббуслар, амалий тажрибалар алмашиш ва икки мамлакат касаба уюшмалари ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирдилар.

Ташриф доирасида делегация вакиллари юртимизнинг бой тарихий-маданий мероси, миллий қадриятлари ва бунёдкорлик салоҳиятини ўзида мужассам этган Ислом цивилизацияси марказида бўлишди.

Меҳмонлар экспозициялар билан танишиш давомида ўзбек халқининг кўп асрлик тарихи, жаҳон илм-фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида қимматли маълумотларга эга бўлишди. Мажмуанинг бетакрор меъморий қиёфаси ҳамда замонавий кўриниши уларда катта таассурот қолдирди.

Бу ҳайрат ва эътирофлар Самарқандда ҳам давом этди. Конфедерация делегацияси Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Афросиёб тарих музейи, Хўжа Дониёр мақбараларида бўлиб, қадимий ва ҳамиша навқирон шаҳар билан яқиндан танишишди.

Гулрухбегим ОДАШБОЕВА,
Диёра РАВШАНОВА,
Нурилла ШАМСИЕВ,
«ISHONCH» мухбирлари
Эъзоза УМУРЗОҚОВА
олган сурат

Игорь ЗУБКУ,
Молдова Миллий касаба уюшмалари конфедерацияси раиси:

ҚАЛБИМДА АЛОҲИДА ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ

– Юртингизга яна бир бор ташриф буюриш мен учун катта шараф. Мен Марказий Осиёнинг барча мамлакатларига доимо юксак ҳурмат билан муносабатда бўлганман ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Айниқса, Ўзбекистон ва унинг касаба уюшмалари ҳаракати қалбимда алоҳида ўрин эгаллайди.

Одатда, ислоҳотлар даври мураккаб жараён сифатида баҳоланади ва кўпчилик бундай ўзгаришлар даврида яшашни истамаслигини айтади. Бироқ Ўзбекистон мисолида бунинг аксини кўряпман. Мамлакатингиздаги ислоҳотлар шиддат билан, гўёки кучли шамол каби барча соҳаларни қамраб олган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар нафақат мамлакат тараққиётида, балки касаба уюшмалари фаолиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Кишинёв шаҳрида ҳамкорлик ва дўстлик тўғрисидаги протоколларни имзолаган эдик. Энди эса ана шу келишувларни аниқ амалий ишлар билан мустаҳкамлашимиз зарур.

Валерия ТРИКОЛИЧ,
Молдова Республикаси Савдо, истеъмол кооперацияси ва тадбиркорликнинг турли шакллари федерацияси раиси:

ЮРТИНГИЗДАГИ БУНЁДКОРЛИКЛАР БИЗНИ ҲАЙРАТЛАНТИРДИ

– Ўзбекистон – цивилизациялар, халқлар ва маданиятлар ўртасидаги ўзига хос кўприк. У Европа ва Осиёни боғлаб турувчи, бой маънавий мероси, юксак маданияти ва жадал тараққиёти билан ажралиб туради. Айнан шу қадриятлар ва изчил ривожланиш Ўзбекистоннинг бугунги тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Ислом цивилизацияси марказига ташриф буюрганимизда мен бунга яна бир карра амин бўлдим. Ўзбек халқи нақадар бунёдкор эканини эътироф этгим келди. Ҳатто бизнинг халқимиз ҳам бу масканни кўриши лозим, деб ҳисоблайман. Бу галги сафарим давомида юртингиз янада ривожлангани, диққатга сазовор масканлар кўпайиб, улуғ бунёдкорликлар амалга оширилганини ҳис қилдим.

Ишонаманки, Молдова ва Ўзбекистон касаба уюшмалари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари бундан буён ҳам изчил ривожланиб боради.

КУЧЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ –

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқовнинг 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирдаги нутқи

Ассалому алайкум, ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли касаба уюшмалари фаоллари ва меҳнат фахрийлари!

Аввало, барчангизни, қолаверса, кўп миллионли касаба уюшма аъзоларини Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан чин қалбимдан муборакбод этишга рухсат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугун сизу бизни бу ерга жамлаган ягона бир ғоя бор. Бу – Ватан тараққиёти йўлида бирлашиб, эл-юрт равнақига муносиб ҳисса қўшиш истагидир.

Замон тез ўзгармоқда. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган шиддатли янгиланишлар жараёнида ҳар биримизнинг муносиб ўрнимиз борлиги, албатта, кўнгилга таскин беради.

Муҳтарам юртдошлар!

Тарих деганлари – шунчаки ўтмиш эмас. У халқнинг сўнмас хотирасини акс эттирувчи маънавий бойликдир. Халқимиз ана шундай бой ва шарафли тарихга эга: не-не замонларни, не-не синовларни бошидан кечирди. Аммо ҳеч қачон синмади, ортга чекинмади.

Бугун халқимизнинг ўз кучи, имконияти, тарихи ва буюк келажагига бўлган ишончини, қолаверса, давлатимизнинг инсон қадрини улуғлаш йўлидаги халқпарвар сиёсатини бутун дунё кўриб ва тан олиб турибди.

Айни вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ислоҳотлар замирида ҳам одамларнинг ҳаётидан рози бўлиб яшаши учун муносиб шароит яратиш мақсади мужассам.

Бу эзгу ният, айниқса, меҳнат соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда яққол намоён бўлмоқда. Зеро, инсон қадрини улуғлаш, унинг меҳнат ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва даромад топишига кўмаклашиш – Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг энг муҳим йўналишларидан биридир.

Шу боис ҳозир касаба уюшмаларига билдирилаётган ишонч ҳам, унинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрни ҳам тобора ортиб бормоқда. Бинобарин, ўтган йили касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейини мамлакатимизда кенг нишонладик.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таклифига асосан 11 ноябрь санасининг Ўзбекистон касаба уюшмалари куни этиб белгиланиши – ана шу тарихий меросга, касаба уюшмалари ҳаракатининг кўп йиллик фаолиятига ва унинг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнига берилган юксак эътироф бўлди.

Қадрли ҳамкасблар!

Бугун Федерациямиз саккиз миллиондан ортиқ аъзони ўз сафига бирлаштирган. Бу – катта куч ва имконият. Шу билан бирга, зиммамиздаги улкан масъулият ҳамдир. Ушбу масъулиятни оқлаш эса осон иш эмас. Бунинг учун ҳар куни изланиш, меҳнат қилиш, одамлар дардига қулоқ тутиш ва энг муҳими, муаммосига ечим топиш керак бўлади.

Шу ўринда савол туғилади: касаба уюшмасининг ҳақиқий кучи нимада? Аъзолари сонидами? Моддий-техник базасидами ёки фаолият кўламидами?

Албатта, буларнинг барчаси муҳим омиллар. Аммо булардан ҳам муҳимроғи – бу одамларнинг ишончи.

Мана, оддий бир мисолни олайлик: Бир ишчининг ҳуқуқи поймол бўлди. У касаба уюшмасига мурожаат қилди. Масаласи ҳал бўлди, ҳуқуқи тикланди.

Бу – муҳим натижа!

Энди бошқа бир ҳолатни тасаввур қилинг: ходим ўз муаммоси билан идорама-идора юрибди. Бир эшикдан кириб, иккинчисидан чиқяпти. Умид билан мурожаат қиляпти, аммо натижа йўқ.

Шундай пайтда ўзимизга савол беришимиз керак: Биз қаерда эдик? Ахир, ходимга айнан шундай пайтда кимнингдир ёрдами, кимнингдир ҳимояси керак эмасми? Агар касаба уюшмаси инсоннинг энг оғир пайтида унинг ёнида бўлмаса, қачон керак бўлади?

Шу маънода, муҳтарам Президентимизнинг ўтган йили айнан шу ердан туриб айтган бир фикрларини эслатмоқчиман:«**Кучли касаба уюшмалари – кучли жамият асосидир!»**

Хўш, бундай кучли касаба уюшмаларини ким барпо этади?



Шубҳасиз, бу иш аввало, энг қуйи бўғиндан – ҳар бир ҳудудий ва тармоқ кенгашидан, ҳар бир бошланғич касаба уюшмаси ташкилотидан бошланади.

Нега деганда, бошланғич ташкилот – бутун касаба уюшмалари ҳаракатининг энг муҳим таянчи ҳисобланади. У бевосита меҳнат жамоаси билан бирга яшайди, ходимнинг дардини эшитади, муаммосини билади, эҳтиёжини ҳис қилади.

Шу боис ҳам касаба уюшмалари фаолиятини, энг аввало, инсонлар ҳаётида:

– қандай ўзгариш ясади?

– қанча ходимнинг ҳуқуқи ҳимоя қилинди?

– қанча оиланинг муаммоси ҳал этилди?

– қанча инсоннинг оғири енгиллашди, деган саволлар асосида таҳлил қилсак, ўйлайманки, айни муддао бўлади.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида бажарилган ишларга қисқача тўхтаб ўтсам: 3 мингга яқин ходимнинг меҳнат ҳуқуқи ҳимоя қилинди. Уларнинг фойдасига қарийб 9 миллиард сўм миқдорида маблағ ундириб берилди. 1 минг 70 нафар ходим ўз иш жойига қайта тикланди. Меҳнат муҳофазаси бўйича 3 мингдан ортиқ камчиликлар бартараф этилди. Шу билан бирга, мингга яқин жамоатчилик назорати ҳамда 10 та вазирликда гендерга оид аудит тадбирлари ўтказилди. Санаторийларда 60 минг нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари имтиёзли соғломлаштирилди; 105 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийсининг саломатлиги тикланди. 331 минг нафардан зиёд бола стационар ва кундузги оромгоҳларда дам олдирилди.

Бундан ташқари, 303 минг 702 нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари, 5 мингга яқин кекса авлод вакиллари учун республикамиздаги диққатга сазовор қадамжоларга саёҳатлари ташкил қилинди.

Айниқса, «Аёллар дафтари» билан ишлаш доирасида амалга оширилган ишлар алоҳида эътиборга молик бўлди. Ўтган даврда мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида 1 миллион 26 минг 122 нафар хотин-қиз билан мулоқот ўтказилиб, уларнинг ҳаётий муаммолари, дарду ташвишлари ва эҳтиёжлари ўрганилди. Энг муҳими, ушбу ўрганишлар натижасида 1 миллион 25 мингдан зиёд опа-синглимизнинг муаммоларини ижобий ҳал этишга эришилди.

Бу жараёнда касаба уюшмалари давлатимиз томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси, давлат идоралари билан аҳоли ўртасидаги ишончли ҳамкор сифатида намоён бўлди.

Бундай ишларнинг аҳамиятини яна бир мисолда кўриш мумкин. Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳузурида ташкил этилган «1211» қисқа рақамли «Ишонч телефони»га хотин-қизлардан қарийб 16 мингта мурожаат келиб тушган.

Кўтарилган масалалар мутасадди ташкилотлар билан ўрганилиб, уларнинг 99 фоизга яқинига ижобий ечим топилди.

Бугун Федерациямиз тизимида 32 та санаторий, 84 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи, 4 та ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият юритмоқда.

Албатта, бу рақамлар – шунчаки статистика эмас.

Булар – одамларга наф келтириш, уларнинг дардига шерик бўлиш ва инсон манфаатларини амалда таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз самарасидир.

Эътиборли жиҳати шундаки, бугун касаба уюшмаларининг фаолияти фақат мамлакатимиз доираси билан чекланиб қолмаяпти.

Хорижий давлатлардаги турдош ташкилотлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари ҳам тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Бу, ҳеч шубҳасиз, муҳтарам Президентимизнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати маҳсулидир.

Мана, оддий бир мисол: Қирғизистонда бир замонлар «Ташсельмаш» заводига қарашли бўлган пансионатни олайлик. Иссиққўлнинг гўзал соҳилида жойлашган бу маскан неча йиллар давомида қаровсиз ётган эди. Қадрли Президентимизнинг қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари туфайли бугун ана шу маскан яна юртдошларимиз учун ўз эшикларини очди: Биз у ерда замонавий «Bo'ston Resort» дам олиш масканини қуриб ишга туширдик.

Азиз дўстлар!

Меҳнат соҳасидаги ислоҳотлар ҳақида гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: Иш берувчи билан ходим ўртасида адолат бўлмаса, меҳнат муносабатларида ҳам барака бўлмайди.

Шу маънода, ижтимоий шерикликнинг аҳамияти жуда катта. Биз иш берувчи ва ходимни икки қарама-қарши томонга ажратиб қўймаслигимиз керак. Аксинча, уларни бир мақсад йўлида бирлаштиришимиз лозим. Бунинг учун эса ўзаро ишонч, ҳурмат ва манфаатлар мувозанати бўлиши шарт.

Бу ҳақда гап кетганда, мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, пахтачиликда йиллар давомида илдиз отган эски тизимни тубдан ўзгартириш борасида муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва сиёсий иродаси билан амалга оширилган ислоҳотларни алоҳида эслашни истардим.

Келинг, бир саволни ўртага ташлай: Бугун мамлакатимизда пахта етиштириш бўйича режа қанча эканини ким билади?

Ишончим комил, ҳозир орамизда ўтирган аграр соҳа вакилларидан ташқари ҳеч ким бу саволга аниқ жавоб бера олмайди.

Бу нимани англатади?

Бу – қачонлардир бутун мамлакатни оёққа турғизган, ҳар бир хонадоннинг ташвишига айланган пахта режаси бугун оддий одамларнинг кундалик турмушидан, онгу тафаккуридан чиқиб кетганини кўрсатади.

Бир вақтлар пахта режаси деган ташвиш бутун халқнинг бошида турарди. Ўқитувчи синфхонасини, шифокор беморини, талаба аудиториясини ташлаб, пахта даласига чиқишга мажбур бўлган кунлар кечагидек ёдимизда.

Бугун эса манзара бутунлай бошқача. Пахта етиштириш ўз ишининг устаси бўлган деҳқон ва фермерларнинг касбий фаолиятига айланди. Ўқитувчи синфхонасига, шифокор бемори ёнига, талаба эса аудиториясига қайтди.

Энди бир ўйлаб кўринг: шунча одам пахта даласига чиқмай қўйди.

Хўш, пахта камайиб қолдими?

Йўқ! Аксинча, Янги Ўзбекистон тарихида бу йил илк бор 5 миллион тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этилди.

Бунисига нима дейсиз?!

Қилса бўлар экан-ку!

Ҳолбуки, биз пахта етиштиришдан воз кечмадик, балки инсонни пахта режаси учун мажбурлаш амалиётидан воз кечдик.

Шу билан бирга, болалар меҳнатига, мажбурий меҳнатга барҳам бердик.

Энг муҳими, халқаро ташкилотлар, жаҳон давлатларининг «қора рўйхати»-дан халос бўлдик.

Тўғрими-йўқми?!

Демак, илм билан, билим билан, замонавий технологиялар билан юксак натижаларга эришиш мумкин экан.

Муҳтарам Юртбошимиз ана шу тарихий миссияни шараф билан уддаламоқдалар. Айнан шунинг учун ҳам у кишига кўпмиллионли жамоамиз номидан чуқур миннатдорлик билдирамиз.

Азиз дўстлар!

Шу ўринда мен яна бир муҳим масала – касаба уюшмалари тизимида иш самарадорлигини ошириш, бу жараёнда ҳар бир раҳбарнинг масъулиятини янада кучайтириш ҳақида тўхталмоқчиман.

Зеро, фаолиятимиз самараси ўтказилган тадбирлар ёки тайёрланган ҳисоботлар билан эмас, аввало, меҳнат жамоаларида, одамларнинг кундалик ҳаётидаги ўзгаришлар билан ўлчаниши керак.

Шу боис ҳар бир бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ходим ўз ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини топадиган, мурожаати эътиборсиз қолмайдиган ишончли таянчга айланиши шарт.

Бунинг учун қуйи бўғин етакчиларининг билим ва малакасини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароитларни яратиш лозим.

Мен касаба уюшмалари байрамида барча даражадаги раҳбарлардан шу нарсани ҳам талаб, ҳам илтимос қиламан: ҳар бирингиз ўз фаолиятингизга, аввало, қанча инсоннинг муаммосини ҳал этганингиз, қанча ходимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилганингиз билан баҳо беринг.

Зеро, бугун биздан шунчаки фаоллик эмас, аниқ ташаббус, амалий натижа ва энг муҳими, инсонлар олдидаги юксак масъулият талаб этилмоқда.

Зотан, касаба уюшмаларининг энг олий вазифаси – ҳар бир меҳнаткашнинг ёнида туриш, унинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳеч кимни ўз муаммоси билан ёлғиз қолдирмасликдир.

Ишончим комилки, сиз, азизларнинг фидойилигингиз, садоқатингиз ва ҳам-жиҳатлигингиз билан бу шарафли вазифани, албатта, уддалаймиз!

Ҳурматли меҳмонлар!

Мен юқорида ўтган кунларимиз, хусусан, «пахта сиёсати»нинг халқимиз бошига солган оғир қисмати ҳақида қисқача тўхталдим.

Бугунги кунларимиз, эришилган ғалабалар қадр-қимматини янада чуқурроқ ҳис қилиш, муҳтарам Президентимиз амалга оширган тарихий, айтиш мумкин бўлса, инқилобий ишларни чуқурроқ тасаввур қилишингиз учун 1989 йил СССР Олий совети депутати, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг ўша даргоҳ минбаридан туриб айтган мардонавор ва аламли нутқини сизларга ҳавола этишни лозим, деб билдик.

Бундай тарихий лаҳзаларга қайтиш бизни бугунги кунлар қадрига етишимиз учун ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Марҳамат!



Азиз дўстлар, бу чиқиш халқимизнинг яқин ўтмишидаги аянчли аҳволини, бошимиздан ўтказган оғир кунларни яна бир бор эсга солиш билан бирга, бугунги кунларнинг қадрига етишимиз, эришилган марраларнинг замирига теранроқ назар солишимиз зарурлигини барчамизга эслатади.

Бу оташин нутқ мустақиллик, эркин ва озод жамият нималигини чуқурроқ англашимиз учун ҳам муҳимдир. Шу ўринда атоқли адибимиз, оташин публицист ва чин ватанпарвар юртдошимиз Одил Ёқубовнинг бу жасорати таҳсинга лойиқдир.

Азиз дўстлар, Ўзбекистон касаба уюшмалари Ижроия қўмитаси байрам муносабати билан бир гуруҳ миллат фидойилари, зиёлилар, соҳамиз фаолларини Федерациянинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш ҳақида қарор қабул қилди.

Уларнинг энг биринчиси Федерациянинг энг юксак мукофоти – «Ўзбекистон касаба уюшмалари Лауреати» билан эртага таваллудининг 100 йиллиги нишонланаётган атоқли адибимиз Одил Ёқубовни тақдирлашга қарор қилдик.

Зотан, биз миллат эрки учун курашган бундай аждодларимизнинг ҳурматини жойига қўйишни муҳим вазифамиз, деб биламиз.

Азиз дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизни яна бир бор Касаба уюшмалари куни билан чин дилдан қутлайман!

Инсон қадри улуғланган Янги Ўзбекистонда ҳамиша барака ва тараққиёт бўлсин!

Халқимизнинг бахтига Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев доимо соғ-омон бўлсинлар!

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муборак бўлсин!

КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ



Ҳуршид ДЎСТМУҲАММАД,
«Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти соҳиби:

– Ушбу тадбир барчамиз учун унутилмас тарихий воқеа бўлди. Мукофотланган ҳар бир инсон, уларнинг оила аъзолари, касаба уюшмалари фаоллари ва барча меҳнаткашлар хонадонида бугун байрам. Шу ўринда бу қувончли кунга сабабчи бўлган, инсон қадри ва меҳнатини улуғлашга юксак эътибор қаратаётган Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдираман.

Бугунги тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати, атоқли адиб Одил Ёқубовнинг 37 йил аввалги нутқи намойиш этилгани бўлди. Бу оддий нутқ эмас, балки ўзбекнинг ғурури, орияти, иродаси ва ҳақиқатпарварлигини намоён этувчи тарихий ҳужжатдир. Афсуски, бир вақтлар буюк адибнинг фикрлари ва асарларига етарлича эътибор берилмаган. Ҳолбуки, унинг 60 га яқин тилга таржима қилинган «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» каби асарлари инсонни ҳалоллик ва виждон билан яшашга чорлайди. Ёзувчининг буюклиги ҳам шундаки, у ҳақиқатни айтишдан, ўз қарашларини дадил ифода этишдан ҳеч қачон чўчимаган.

Менимча, адибнинг асарлари ҳар бир хонадонга кириб бориши, мактабларда ўрганилиши, ёш авлод унинг ҳаёти ва ижодидан ибрат олиши керак. Одил Ёқубов каби буюк сиймоларнинг меросини асраб-авайлаш, уларнинг номини эъзозлаш миллий хотирамиз ва ўзлигимизга бўлган ҳурматдир.

Бугун нафақат ҳаёт бўлган инсонлар, балки ўтган улуғларимизнинг ҳам хизматлари эътироф этилаётгани, уларнинг хотираси тикланаётгани таҳсинга лойиқ. Бу тарихимизга, адабиётимизга ва маънавий меросимизга бўлган юксак эътибор намунасидир.

Одил Ёқубовдек буюк инсонларни қадрлайдиган, уларнинг меросини келажак авлодга етказишга интиладиган жамоа бор экан, бундай эзгу ишлар давом этаверади. Касаба уюшмалари Федерацияси жамоасига, унинг раҳбари Ҳудратилла Рафиқовга алоҳида миннатдорлик билдираман.



Қозоқбой ЙЎЛДОШ,
«Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти соҳиби:

– Бугунги маърузада келтирилган рақамлар ортида инсон тақдири, оилалар манфаати, кимнингдир ҳал этилган муаммоси ва тикланган ҳақ-ҳуқуқи турибди. Демак, бугун касаба уюшмалари меҳнаткашлар суянадиган, уларнинг дардига қулоқ тутадиган ва манфаатларини ҳимоя қиладиган ишончли орқатоғдир. Ҳар бир ходим ўз муаммоси олдида ёлғиз эмаслигини, унинг ҳақ-ҳуқуқлари учун курашадиган ташкилот борлигини ҳис қилиши жуда муҳим. Ташкилотнинг мустақил позицияси, инсон манфаатларини ҳимоя қилишдаги қатъияти ва кенг қамровли фаолиятини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига фаолиятимни юксак қадрлагани, олимлар ва педагоглар меҳнатига эътибор қаратаётгани учун алоҳида ташаккур билдираман. Зеро, илм-фан ривожи, таълим сифати ва жамият маънавий юксалишида фидойи инсонларнинг ўрни беқиёс. Уларни қўллаб-қувватлаш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш ҳамда янги марралар сари руҳлантириш ҳар жиҳатдан муҳимдир.

Касаба уюшмаларининг халқ ичига кириб бориш, унинг муаммоларини ўрганиш ва ечим топиш йўлидаги эзгу ишлари бардавом бўлсин. Бу борада фидойилик кўрсатаётган ташкилот раҳбарияти, масъуллари ва фаолларига мустаҳкам соғлиқ ва куч-ғайрат тилайман!



Тўхта БОЗОРОВ,
«Эҳтиром» нишони соҳиби:

– Ростини айтсам, ушбу мукофот мен учун кутилмаган ва айни пайтда ниҳоятда қувончли бўлди. Кўп йиллик фаолиятим давомида ўз соҳам ривожига, касаба уюшмалари тизимидаги ислоҳотлар, меҳнаткашлар манфаатларини таъминлаш масалаларига имкон қадар ҳисса қўшишга ҳаракат қилдим. Ана шу камтарона меҳнатимнинг бундай баҳоланишини мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, фидойи инсонлар меҳнатини эътироф этишга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ифодаси сифатида қабул қилдим.

«Эҳтиром» нишони мен учун меҳнатларимнинг эътирофи бўлиш билан бирга, келгусида янада масъулият ва фидойилик билан ишлашга ундайдиган катта ишончдир. Бу ишончни оқлаш, касаба уюшмалари ҳаракати ривожига муносиб ҳисса қўшиш учун сидқидилдан фаолият олиб бораман.



<<< 1

Тадбир аввалида Федерация раиси Ҳудратилла Рафиқов иштирокчиларни Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мамлакатимизда кенг нишонлаб келинаётган 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан қутлади. Сўнгра меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитлари яратиш, ижтимоий шерикликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда навбатдаги устувор вазифалар хусусида тўхталди. Касаба уюшмалари ҳаракати ривожига катта ҳисса қўшган фаоллар ва илғор жамоалар меҳнатини эътироф этди.

Қайд этилганидек, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан ўтказган учрашуви мамлакатимиз касаба уюшмалари ҳаракати тарихида муҳим воқеа сифатида муҳрланди. Унда Президентимиз касаба уюшмаларининг ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат муносабатларида адолат ва қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятига алоҳида эътибор қаратди. Шу билан бирга, тизим олдига давр талабларидан келиб чиқиб муҳим вазифаларни қўйди, унинг келгуси тараққиётига доир қатор ташаббусларни илгари сурди.

Бугун мамлакатимизда касаба уюшмаларининг эркин, мустақил ва самарали фаолият юритиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда зарур ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Энг муҳими, касаба уюшмалари жамият ҳаётидаги ўз ўрни ва масъулиятини чуқур англаган ҳолда, бу имкониятлардан самарали фойдаланиб келмоқда. Янги Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятининг замирида инсон қадри, ходим манфаати, ижтимоий адолат ва муносиб меҳнат тамойиллари мужассамдир.

Айни пайтда касаба уюшмалари фақатгина меҳнат муносабатларида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш ёки ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш билан чекланиб қолаётгани йўқ. Улар ижтимоий шериклик ва очиқ мулоқот механизмлари орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат муҳофазасини кучайтириш, хавфсиз ва муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, инсонларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришдек кенг қамровли вазифаларни амалга оширмоқда.

Ижтимоий шериклик муносабатлари ҳам янги босқичга кўтарилиб, меҳнат соҳасидаги долзарб масалалар ўзаро келишув ва мулоқот асосида ҳал этилмоқда. Бу касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, ушбу тизимга бўлган ишончни янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йили мамлакатимизда касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик қутлуғ санаси кенг нишонланди. Бу сана нафақат узоқ тарихга эга жамоатчилик ҳаракатининг босиб ўтган йўлига назар ташлаш, балки унинг бугунги тараққиёти ва истиқболдаги вазифаларини белгилаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Президентимиз ташаббуси билан 11 ноябрнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари куни этиб белгиланиши тарихий анъаналарга, кўп йиллик меҳнат ва курашлар билан шаклланган касаба уюшмалари ҳаракатига, қолаверса, унинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига кўрсатилган юксак эътиборнинг амалий ифодаси бўлди. Зеро, бу сана инсон қадрини улуғлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган минглаб касаба уюшмалари фаолларининг масъулияти, касбий садоқати ва эзгу мақсадларини ўзида мужассам этган айёмдир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги шиддатли даврда меҳнат муносабатлари янгиланиб, ходимларнинг талаб ва эҳтиёжлари ошиб бормоқда. Касаба уюшмалари ҳам замон билан ҳамнафас бўлиб, инсон манфаатларини ҳимоя қилишнинг янги, самарали механизмларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида собитқадамлик билан иш олиб бормоқда.

Тадбирнинг алоҳида эътиборга молик жиҳатларидан бири, атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов хотирасига эҳтиром кўрсатилгани бўлди. Ёзувчининг 1989 йил СССР Олий совети минбаридан туриб айтган мардонавор нутқи намойиш этилди. Адиб таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Федерация Ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ, у «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти билан тақдирланди. Мукофотни ёзувчининг ўғли Малик Ёқубов қабул қилиб олди.

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида йил якунлари бўйича энг фаол, ташаббускор ва фидойи инсонларни эътироф этиш, уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш яхши анъанага айланган. Бу эса, аввало, тизимда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ходимларнинг ўз касбига нисбатан масъулиятини янада ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш ва самарали фаолиятни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, жорий йилги тақдирлаш маросими ҳам тизимнинг турли йўналишларида изчил давом эттирилаётган ишлар кўлами кенглигини намоён этди. Самарали фаолият юритган ташкилот ва корхоналар жамоалари ютуқлари ҳам муносиб баҳосини олди.

Кўп йиллик самарали меҳнати, ўзбек адабиёти, ёшлар камолотига қўшган беқиёс ҳиссаси, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги муваффақиятлари билан элимиз назарига тушган бир неча кишига «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти тантанали равишда топширилди. Ўз навбатида, тизимда узоқ йиллардан буён самарали ишлаб келаётган, касаба уюшмалари нуфузини юксалтиришга хизматлари сингаётган инсонлар «Эҳтиром» нишонига лойиқ кўрилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан Федерация томонидан таъсис этилган танловлар ғолиблари ҳам тақдирланди. Шунингдек, касаба уюшмалари фаолиятини кенг жамоатчиликка етказиш, тизимдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, ташаббускор ва фаол ходимлар меҳнатини эътироф этишга қаратилгани билан аҳамиятли бўлган, «Ishonch» газетаси таҳририяти томонидан эълон қилинган «Касаба ишончи» онлайн танловининг овоз бериш натижалари асосида аниқланган ғолиблари ҳам мукофотландилар.

Барча кўрик-танловлар ва номинациялар эгаларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси дипломи, пул мукофоти ва совғалар улашилди. Тадбир якунида эса Федерация лауреатлари, касаба уюшма фаоллари, танловлар ғолиблари сўзга чиқдилар.

Яна бир гап. Тарихдан аёнки, 1914 йил 27 февралда Тошкентдаги «Колизей» театрида жадидчи Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Падаркуш» драмаси илк бор саҳналаштирилган. Орадан бир асрдан ортиқ вақт ўтиб, айнан шу даргоҳда, аниқроғи, ҳозир Ўзбекистон касаба уюшмалари саройига айланган муҳташам кошонада ўша асарнинг замонавий талқини «Падаркуш – XXI аср фожиаси» номи билан илк бор тадбир иштирокчиларига намойиш қилинди. Спектаклда жаҳолат, илмсизлик, тарбиясизлик ва лоқайдликнинг аянчли оқибатлари бугунги кун воқелиги билан уйғунлаштирилган ҳолда акс эттирилган. Айниқса, бола тарбиясида ота-онанинг масъулияти, ёшларнинг илм олишга интилишлари, бефарқлик иллатининг салбий оқибатлари таъсирчан саҳналар орқали очиб берилган.

Касаба уюшмалари кунига бағишланган тантанали тадбир ҳар жиҳатдан қизиқарли ва сермазмун ўтди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



Азизбек ТОҒАЕВ,
«Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш» республика кўрик-танлови ғолиби:

– Бугунги мукофотни, аввало, ўзим фаолият юритаётган жамоанинг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари, ҳамжиҳатлиги ва фидокорона меҳнатига берилган баҳо сифатида қабул қиламан. Чунки ҳар қандай ютуқ ва ижобий натижа ортида бир инсоннинг эмас, балки кўпчиликнинг меҳнати, ҳамкорлиги ва бир мақсад йўлидаги интилиши мужассам бўлади.

Касаба уюшмалари фаолиятининг энг муҳим жиҳати ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қийнаётган муаммоларга бефарқ бўлмаслик ва ҳар бир масалага масъулият билан ёндашишдир. Бунинг учун доимо меҳнат жамоалари аъзолари билан мулоқотда бўлиш, уларнинг таклиф ва мурожаатларини тинглаш, муаммоларни ўз вақтида ўрганиб, ечим топишга ҳаракат қилиш лозим. Айниқса, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳар бир ходимнинг хавфсизлиги, саломатлиги ва муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Менимча, касаба уюшмаси ходими учун энг муҳим фазилат инсон тақдирига дахлдорлик ҳисси, масъулият ва одамларга ёрдам беришга доимо тайёр туришдир. Фаолиятим давомида ана шу тамойилларга амал қилишга интиламан. Бугунги эътироф эса зиммамдаги масъулиятни янада чуқурроқ ҳис этишимга, келгусида ҳам жамоамиз билан биргаликда янги натижаларга эришишимизга катта рағбат бағишлайди.



Дарья КОЧНЕВА,
Касаба уюшмаларининг «Энг яхши спортчи»си:

– Мен учун ушбу юксак мукофот катта қувонч ва айни пайтда улкан масъулият ҳамдир. Меҳнат, интилиши ва жамият равнақи йўлидаги ҳаракатларининг муносиб қадрланиши, эътироф этилиши ҳар қандай кишига руҳий куч бағишлайди. Бугунги эътирофни мен ўз фаолиятимга билдирилган ишонч, келгусида янада фаол ва фидойи бўлишга ундайдиган катта рағбат сифатида қабул қилдим.

Спортда қўлга киритиладиган ҳар бир натижа ортида машаққатли машғулотлар, сабр-тоқат ва қатъият туради. Шу боис ҳар бир спортчи учун унинг меҳнатини қадрлайдиган, қўллаб-қувватлайдиган ва янги марралар сари руҳлантирадиган муҳитнинг мавжудлиги жуда муҳим.

Ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, уларни спортга кенг жалб этиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва келажакда муносиб натижаларга эришиши учун имкониятлар яратишда касаба уюшмаларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Кўрсатилган юксак эътибор учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига самимий миннатдорлик билдираман. Бу ишончни келгусидаги фаолиятим ва янги ютуқларим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

ФОТОРЕПОРТАЖ





КУЧЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ –

Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан юртимизнинг барча гўшаларида тадбирлар,

11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан ташкил этилган тадбир таълим соҳаси жонкуярлари ва фаолларини бир даврага жамлади. Аввалига Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Абдуҳалил Раҳмонов бир йил давомида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиб, эришилган натижалар ва келгусидаги устувор вазифалар ҳақида сўз юритди.





ДИЛДАН ҚУРИЛГАН СУҲБАТЛАР





Таъкидланганидек, ўтган даврда 703 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланган. Бу борада иш берувчиларга киритилган 21 та тақдимноманинг 19 таси қаноатлантирилиб, қонун бузилиши ҳолатлари бартараф этилган. Хусусан, Самарқанд вилояти Тойлоқ тумани мактабгача ва мактаб таълими бўлими ходими Н.Дўстованинг мурожаатида ходимларни рағбатлантириш жамғармасига кам маблағ ажратилгани, шу сабабли уларга 8 ой давомида устама ва моддий рағбатлантириш пуллари берилмагани кўрсатилган. Республика кенгаши ходимлар манфаатини ҳимоя қилиб, тегишли вазирлик ва идораларга кўрсатма хатлари юборди. Натижада ходимларни рағбатлантириш жамғармасига 1 миллиард 129,8 миллион сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Тадбирда бир гуруҳ ташаббускор ва фидойи ходимларга қимматбаҳо совғалар ҳамда санаторийга бепул йўлланмалар топширилди.

– Сергели туманидаги 301-мактабнинг касаба уюшмаси раисиман, – дейди Бахт Алламбергенова. – Муассасамизда 169 нафар ходим бор. Кўпчилиги санаторий ва дам олиш масканларида ҳордиқ чиқариб келишди. Иш берувчи ва касаба уюшмаси ўртасидаги ҳамжиҳатлик натижасида ҳеч ким ишдан бўшатилгани йўқ.

Байрам тадбирида соҳанинг турли бўғинларида ишчи-ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб келаётган касаба уюшмаси фаоллари ўзаро дилдан суҳбат қуришди. Улар кўрсатилган юксак эътироф ва эътибордан мамнун бўлишди. Аслида бу фидойи инсонлар учун энг катта мукофот олинган рағбатлар эмас, балки юзлаб инсонлар ҳаётини яхши томонга ўзгартира олганликларидир. Уларнинг адолатни қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, айниқса, ноҳақликка дуч келган педагоглар қалбида умид ва ишончни қайта уйғотгани энг олий ютуқдир. Бундай жонкуяр фаоллар бор экан, ходимларнинг юки ерда қолмайди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қарашли Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида 1-босқичга қабул қилинган талабаларни табриклаш ҳамда 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан байрам тадбири бўлиб ўтди.

ҚЎШАЛОҚ ХУРСАНДЧИЛИК



Унда академия ректори Сайфулло Аҳмедов сўзга чиқиб, ёшларни қутларкан, уларга омад тилаб, рамзий рейтинг дафтарчалари ҳамда талабалик гувоҳномаларини тантанали топширди. Шу билан бирга, касаба уюшмалари кунининг аҳамияти ҳақида гапириб, йигит-қизларнинг бўлажак касаба уюшмаси вакиллари эканини таъкидлади. Уларга ўзининг қимматли тавсия ва маслаҳатларини берди. Сўнгра талабалар касб сирларини пухта ўқиб-ўрганиш ҳақидаги қасамёдни қабул қилишди.

Маълумот учун айтиб ўтиш жоизки, таълим даргоҳида 1,5 минг нафардан ортиқ ёшлар таҳсил олмоқда. Улар меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, инсон ресурсларини бошқариш, ижтимоий иш, менежмент, психология, метрология ва стандартлаштириш, иқтисод, ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ҳамда юриспруденция йўналишларида кундузги ва кечки босқичда ўқишмоқда.

Даргоҳда маънавий-маърифий тадбирлар, соҳа мутахассислари билан учрашувлар мунтазам ташкил этилади. Яқиндагина Ректор кубоги учун «Китобхон талаба» танлови ўтказилиб, тадбирда ғолиб бўлганлар махсус мукофотлар билан тақдирландилар.

– Академия талабаси бўлиш қувончини, масъулиятини бугунги байрамда яна бир бор юракдан ҳис қилдим. Бу ерда фақатгина билим олиб қолмасдан, ҳаётдаги энг қадрдон дўстларимизни топяпмиз. Жамоа ҳам худдики оиламизга айланиб боряпти. Яратилган шароитлар аъло даражада. Биздан фақат яхши ўқиш талаб қилинади, – дейди биринчи босқич талабаси Шоҳжаҳон Номозалиев.

Тадбир ижодий чиқишлар, устозлар ва меҳмонларнинг илиқ тилаклари ҳамда куй-қўшиқлар билан давом этди.

БАЙРАМЛАР БАЙРАМЛАРГА УЛАНДИ!

Кўпчилик ҳали ҳам касаба уюшмаларини фақат санаторий ва оромгоҳларга йўлланмалар ажратадиган, байрам совғалари улашадиган ташкилот деб билади. Аслида эса у ходимларнинг меҳнат, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, муносиб иш шароитлари яратиш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ва ижтимоий шерикликни ривожлантиришга хизмат қиладиган тизимдир.



Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси ташкил этган байрам тадбирида бу фикрлар яна бир бор қайд этилди. Ўзбекистон Миллий кино санъати саройида ўтказилган тантанада касаба уюшмаси фаоллари, меҳнат фахрийлари, тармоқ ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.



Дастлаб Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси раиси Дилфуза Исмоилова иштирокчиларни байрам билан табриклаб, касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва масъулияти ҳақида тўхталиб ўтди.

Меҳнаткашларнинг фидойилиги, ташаббускорлиги ва касаба уюшмалари ривожига қўшаётган муносиб ҳиссасини эътироф этиб, фаол касаба уюшма раисларига алоҳида миннатдорчилик билдирилди. Тақдим этилган байрам совғалари уларнинг меҳнатига бўлган ҳурмат ва эътибор рамзи экани таъкидланди.

Шундан сўнг Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш маркази касаба уюшмаси қўмитаси раиси Муҳаббат Амонова ҳамда «ALUTEX» масъулияти чекланган жамияти касаба уюшма қўмитаси раиси Алижон Байганов сўзга чиқиб, касаба уюшмалари фаолиятида ҳамжиҳатлик, бирдамлик ва ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдиришди.

Байрамнинг бадиий қисмида намойиш этилган гала-концерт эса иштирокчиларга кўтаринки кайфият ва унутилмас таассуротлар улашди.

ЭЪЗОЗ

Ўзбек миллий академик драма театрида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши Касаба уюшмалари куни ҳамда Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан тадбир ташкил этди. Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов ва Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Фарҳоджон Ханапияев сўзга чиқиб, соҳа ходимларини қўшалоқ байрам билан табрикладилар.

– Ҳар доим куч ва ғайрат билан ишлашимизда касаба уюшмаларининг муносиб ҳиссаси бор. Маънавий ҳордиқ чиқаришимиз учун спартакиадалар ўтказилиб, соғлиғимизни тиклашимизга санаторийларга бепул йўлланмалар беришмоқда. Биз шифокорлар бундан бағоят мамнунмиз, – деди Республика болалар тиббий реабилитация маркази шифокори Навбат Бакиева. – Бугунги тантана эса соҳа ходимларига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эътирофнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Тадбирда ўзининг кўп йиллик самарали меҳнати, касбига садоқати ва фидойилиги билан алоҳида ажралиб турган соҳа вакиллари кўкрак нишонлари, фахрий ёрлиқлар ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.





ЎЗГАЧА ШУКУҲ ВА КЎТАРИНКИ РУҲДА

«O‘zairports» АЖ ҳамда Ислом Каримов номидаги «Тошкент халқаро аэропорти» МЧЖ касаба уюшмалари қўмиталари байрамни Бўстонлиқ туманидаги «Orient village» дам олиш масканида ўзгача шукуҳ ва кўтаринки руҳда ўтказди.

«Янги Ўзбекистон – Янги касаба уюшмалари» шиори остида ташкил этилган икки кунлик тадбирда спорт мусобақалари, спартакиада ва ош тайёрлаш беллашувлари ташкил этилди.

Мусобақалар шунчаки ҳордиқ чиқаришга эмас, балки бир жамоа бўлиб меҳнат қилаётган инсонларни янада яқинлаштириш, улар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилди. Унда 30 оиладан жами 90 нафар иштирокчи қатнашди.

Тоғлар бағридаги тоза ҳаво, кузнинг бетакрор манзаралари ва самимий муҳит иштирокчиларга унутилмас таассуротлар улашди.

Дастур аввалида иштирокчилар жамоа бўлган ҳолда баскетбол, лагер чодирини ўрнатиш, гулхан ёқиш каби бир қатор қизиқарли беллашувларда ўз маҳоратларини намоён этдилар.

– 17 йилдан буён аэропортда ишлайман, – дейди Машҳура Кучимова. – Шу давр мобайнида касаба уюшмасининг амалий ёрдами билан бир неча маротаба санаторийларда соғлиғимни тикладим. Қолаверса, ташкилот кўмагида фарзандимнинг кўзини операция қилдирдик. Эътибор ва ғамхўрликдан шодман.

Куннинг иккинчи ярмида болажонлар учун қизиқарли танловлар ва кўнгилочар ўйинлар ташкил этилди. Айниқса, аниматорлар иштирокидаги концерт дастури кичкинтойларга олам-олам қувонч улашди. Уларнинг беғубор кулгиси, шўх-шодон қийқириқлари куз оқшомига ўзгача файз киритди.

КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

маънавий-маърифий учрашувлар юқори кайфиятда ташкил этилмоқда

ЭЪТИРОФ ВА ЭҲТИРОМ



«Тошкент метрополитени»да бўлиб ўтган байрам тадбири ҳам ишчи-ходимларга ҳақиқий қувонч улашди.

Тантанада сўз олганлар касаба уюшмасининг аъзолар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат жамоасида соғлом муҳит, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги тизимли фаолиятини алоҳида эътироф этдилар. Шу аснода соҳада кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган, ўз хизмат вазифаларига сидқидилдан ва масъулият билан ёндашиб, бошқаларга ўрнак бўлаётган бир гуруҳ фидойиларга касаба уюшмасининг ташаккурномалари топширилди.

Шунингдек, метрополитен ташкил топган кун муносабати билан ўтказилган «Транспорт кубоги» мусобақасида футбол бўйича фахрли 1-ўринни қўлга киритган жамоа аъзолари пул мукофоти билан тақдирландилар.

Гўзал куй-қўшиқлар, дилрабо рақслардан иборат концерт дастури кечага ўзгача тароват бахш этди.



ЯШИЛ МАЙДОНДАГИ ШИДДАТ

Касаба уюшмалари куни муносабати билан Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Андижон шаҳрида соҳа ходимлари ўртасида мини-футбол мусобақасининг Республика босқичини ўтказди. Унда ҳудудий саралаш ўйинларидан муваффақиятли ўтган 16 та жамоа ғолиблик учун ўзаро кураш олиб боришди.

Тадбир фақатгина яшил майдондаги баҳслар билан чекланиб қолмай, спорт ва ички туризм уйғунлигини ҳам намойиш этди. Мусобақа дастури доирасида республиканинг турли гўшаларидан келган алоқачилар Андижон вилоятида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва замонавий бунёдкорлик иншоотлари билан яқиндан танишдилар.

Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида кечган ўйинлар ҳақиқий профессионал футбол учрашувларини ёдга солиб, иштирокчиларнинг юксак жамоавий бирдамлиги, маҳорати ва чаққонлигини кўрсатди.

Ғолиб ва совриндорлар муносиб тақдирланди. Хусусан, шоҳсупага кўтарилган жамоаларга махсус диплом, медаль ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, футболчилар турли номинациялар бўйича алоҳида эътироф этилдилар.

Бу каби тадбирлар АТ соҳаси вакилларининг саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, тармоқ корхоналари ўртасида дўстона алоқаларни жипслаштиришга хизмат қилади.

«ЯНГИЕР» САНАТОРИЙСИДА МАҲОРАТ БАҲСИ

11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни муносабати билан «Янгиер» санаторийсида спорт мусобақаси ташкил этилди. Ишчи-ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жамоада дўстона муҳитни шакллантириш мақсадида уюштирилган ушбу тадбирда иштирокчилар спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол ва футбол турлари бўйича ўзаро куч синашдилар.

Ҳар бир беллашув ҳаваскор спортчилардан фаоллик, зийраклик, чаққонлик, сабр ва жамоавий ҳамжиҳатликни талаб қилди. Айниқса, шахмат ва шашка баҳсларида иштирокчиларнинг ақл-заковати, стол теннисида тезкорлиги ва маҳорати, волейбол ҳамда футболда эса жамоавий бирдамлиги намоён бўлди.

Қизғин ва муросасиз баҳслар якунига кўра, шахматда Анвар Сувонқуловга, стол теннисида Авазбек Шарофбоевга, шашкада Тахмина Азизовага тенг келадигани топилмади. Волейболда ошхона ходимлари, футболда эса ўрта тиббиёт ходимлари жамоаси ғолиб бўлди.

МУНОСИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

«Ўзбекистон темирйўллари» акциядорлик жамиятида Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда тизим тасарруфидаги ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар иштирок этдилар. Дастлаб Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Қутлимурот Собиров сўзга чиқиб, кейинги йилларда соҳада эришилган ютуқларга алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг фаол меҳнаткашлар тақдирланди. Хусусан, байрам муносабати билан 200 нафар ходим ҳамда 60 нафар фахрий темирйўлчига 1 миллион сўмдан пул мукофоти берилди. Шунингдек, 50 нафар фаолга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Темир йўл тармоғи мураккаб технологик жараёнлардан иборат бўлгани боис «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти корхоналарида меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси масалалари доимий назорат остида туради.

Тантанада Меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этишга оид Республика кўрик-танловининг 2-босқич якунлари ғолиблари кенгашнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.



Тадбир якунида кенгаш Ижроия қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди ва галдаги муҳим вазифалар белгилаб олинди.



Саҳифаларни «ISHONCH» мухбирлари Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ, Гулрухбегим ОДАШБОЕВА, Зебо НАМОЗОВА, Диёра РАВШАНОВАлар тайёрлади.
Қувончбек ТЎРАЕВ, Жасур СОЛИКОВ ва Эъзоза УМУРЗОҚОВА олган суратлар



ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

Бугун меҳнат бозори шиддат билан ўзгармоқда. Рақамли технологиялар, сунъий интеллект, ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши, «яшил» иқтисодиётга ўтиш жараёнлари саноат тармоқлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бу ўзгаришлар бир томондан тараққиёт ва имкониятлар эшигини очаётган бўлса, иккинчи томондан иш ўринлари, меҳнат муносабатлари, ходимларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ жиддий муаммоларни ҳам кун тартибига олиб чиқмоқда. Боз устига, дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган қуролли можаролар миллионлаб инсонларнинг ҳаёти, бандлиги ва фаровонлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мана шундай мураккаб шароитда меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иш жойларида улар учун муносиб ва хавф-хатарсиз шароитлар яратиш ҳар қачонгидан муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Евроосиё Металлистлар Федерацияси Марказий қўмитасининг 62-мажлисида айнан шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Унда 17 давлатдан келган касаба уюшмалари раҳбарлари ва вакиллари иштирок этиб, замонавий меҳнат муносабатларининг долзарб муаммолари, ижтимоий шерикликни ривожлантириш, халқаро касаба уюшмалари бирдамлигини мустаҳкамлаш ҳамда жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида ўзаро фикр алмашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Талъат Усмонов сўзга чиқиб, хорижий делегациялар вакилларини самимий қутлади. Шу аснода ҳамкор мамлакатлар касаба уюшмаларини муштарак мақсад ва қадриятлар бирлаштириб туришини таъкидлади.

Халқаро учрашувда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси бошлиғи – Федерация раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев, Халқаро Евроосиё Металлистлар Федерацияси бош котиби Мурсель Ожал ҳамда Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Болгария, Босния ва Герцеговина, Грузия, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Шимолий Македония, Сербия, Тожикистон, Шимолий Кипр, Туркия касаба уюшмалари делегациялари вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Пленуми ва Ижроия қўмитаси аъзолари, йирик корхоналар касаба уюшмаси қўмиталари раислари қатнашдилар.

Халқаро Евроосиё Металлистлар Федерацияси бош котиби Мурсель Ожал ўз нутқида бугунги глобал ўзгаришлар шароитида касаба уюшмаларининг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлиги янада муҳим аҳамият касб этаётганига эътибор қаратди.

– Афсуски, кўплаб учрашувларимизда ишчиларнинг аҳволи билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилиш ўрнига, кўпроқ урушлар ҳамда улар келтириб чиқараётган иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар муаммолар ҳақида гапиришга мажбур бўлдик, – деди у. – Бутун дунёда бўлгани каби бизнинг минтақамизда ҳам рақамли трансформация, иқтисодий беқарорлик ва геосиёсий инқироз шароитида меҳнат муносабатлари чуқур ўзгаришлар жараёнини бошдан кечиряпти.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги технологик тараққиёт меҳнат бозорининг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда. Илгари инсон қўли билан бажарилган кўплаб вазифаларни энди роботлар ва сунъий интеллект амалга оширмоқда. Бу эса айрим касбларга бўлган талаб камайиши ва иш ўринлари қисқаришига олиб келмоқда.

Маълумот ўрнида қайд этиш жоиз, Халқаро Евроосиё Металлистлар Федерацияси 1994 йилда ташкил этилган. Айни пайтда 20 та давлатнинг 63 та касаба уюшмаси ташкилотини ўз атрофида бирлаштирган.

Тошкентда ўтказилган 62-мажлис ўзаро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш, аъзо ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва замонавий меҳнат бозори олдида турган муаммоларга биргаликда ечим топиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Анжуман якунида иштирокчилар мезбон томонга самимий қабул ва юқори даражадаги ташкилий ишлар учун миннатдорлик билдириб, тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат, бирдамлик ва ҳамжиҳатлик тамойилларига асосланган ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёр эканликларини таъкидладилар. Ўз навбатида, меҳмонлар Ўзбекистонда касаба уюшмалари давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганини алоҳида эътироф этдилар.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раҳбарияти ва жамоаси Федерация аппаратининг Ишлар бошқармаси автогаражи бошлиғи
Фатхулла Зикриевич УМАРОВ
вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор этади.

Эълон

Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маъмуржонова Ш.С. томонидан 2026 йил 7 апрель куни вафот этган фуқаро Семёнов Олег Вячеславович (14.07.1966 йилда туғилган) мулклари бўйича мерос иши очилган.

Марҳумга нисбатан мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари сўралади: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 2-мавзе, 6-уй, 15-хонадон. **Тел.: (99) 828-87-87.**

Янгийўл туманидаги «YANGIYOL BARAKA» масъулияти чекланган жамиятининг думалоқ муҳри йўқолгани сабабли бекор қилинади.

КУЧЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ –

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН 11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МУКОФОТЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ

«ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЛАУРЕАТИ» МУКОФОТИ СОҲИБЛАРИ

Одил Ёқубов – *атоқли ўзбек адиби, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси* (марҳум).



Эшматов Анорбой Аббасович – Ўзбекистон Қаҳрамони, фермер



Хуршид Дўстмуҳаммад – ёзувчи, журналист, филология фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



Қозоқбой Йўлдош – таниқли ўзбек адабиётшунос олими, педагогика фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси



Сотиболдиева Нилуфар Жамшидовна – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси телебошловчиси ва сухандони



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ «ЭҲТИРОМ» НИШОНИ СОҲИБЛАРИ

Мусаев Имаматдин Қдирбаевич – Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Мўйноқ тумани кенгаш раиси



Пирманов Дилмурат Джурақулович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Сирдарё вилояти кенгаши Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири



Эргашев Алишер Пулатович – Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши аппарати Молия бўлими мудири



Уролбоев Бекзод Халибаевич – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги «Афросиёб Палас» меҳмонхонаси директори



Салаев Алишер Юлдашевич – Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси



Нуритдинов Саиб Эркинович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши Молия бўлими мутахассиси



Тохтаева Гузал Кашибовна – Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари



Қамаров Фахриддин Қаландарович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгаши Ижтимоий суғурта бўлими мудири



Гумирова Зулфия Абдуманоповна – Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Чирчиқ шаҳар кенгаши раиси



Алимова Нигора Равшановна – Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси кадрлар бўлими бошлиғи, жамоатчилик асосида касаба уюшмаси қўмитаси раиси









Бешимов Хамиджон Сайидович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари

Александрова Наталья Валерьевна – «Санатор-курортлар бош бошқармаси» МЧЖ молия бўлими етакчи мутахассиси

Киргизалиев Кобилжон – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат инспекцияси бошлиғи – Федерация раиси ўринбосари

Бозоров Тўхта Шарипович – Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Жавлонов Шавкат Сардорович – Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари

Дустов Муҳаммад Абирович – Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зафаробод тумани бўлинмаси кенгаши раиси

Абдуллаева Сабохат Жумановна – Даволаш профилактика маркази бош ҳамшираси

Муллабеков Алишер Нурмахматович – Ўзбекистон авиация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Ахмедов Анвар Акмалович – Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ СОҲИБАСИ

Дехканов Дилшод Давлатович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Наманган вилояти кенгаши аппарати Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими етакчи мутахассиси

Ходжаев Ботир Эркинович – «Саёҳат-Сари» МЧЖ директори

Мухамедов Улуғбек Зиёдуллаевич – Ўзбекистон тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси

Салихов Абдугаппар Мухтарович – Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари

Ирматова Шоира Махкамовна – Ўзбекистон касаба уюшмалари саройи администратори

КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОМОНИДАН ТАЪСИС ЭТИЛГАН НОМИНАЦИЯЛАР СОВРИНДОРЛАРИ ВА КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ҒОЛИБЛАРИ



«ЭНГ ЯХШИ САНАТОРИЙ»

«Xonqa sanatoriysi» масъулияти чекланган жамияти.

«ЭНГ ЯХШИ ШИФОКОР»

Джураева Раъно Севаровна – «Termiz marvaridi sanatoriysi» масъулияти чекланган жамияти ревматолог шифокори

Ахмедова Шахноза Ахраровна – Даволаш профилактика маркази МРТ шифокори.

«ЭНГ ЯХШИ ҲАМШИРА»

Хасанова Махфузахон Рахмидиновна – «Xonobod sanatoriysi» масъулияти чекланган жамияти катта ҳамшираси

Унабаева Азиза Хайдаржановна – Даволаш профилактика маркази умумий амалиёт ҳамшираси.

«ЭНГ ЯХШИ СУПЕРВАЙЗЕР»

Соипова Умида Рихсиваевна – «Chinobod plaza» масъулияти чекланган жамияти супервайзери

«ЭНГ ЯХШИ БОШ ОШПАЗ»

Худайбердиев Бахтиёр Анарбоевич – «Zarkent sanatoriysi» масъулияти чекланган жамияти бош ошпази

«ЭНГ ЯХШИ МАДАНИЯТ ТАРҒИБОТЧИСИ»

Турсуналиева Рўзигул Холмирзаевна – «Zomin sanatoriysi» масъулияти чекланган жамияти Маданият ва маърифат бўлими мудири

«ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИ»

Атаматов Абдухалил Саламович – Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар Академияси ўқув ишлари бўйича биринчи проректори

«ЭНГ ЯХШИ ТЕХНИК НАЗОРАТЧИ»

Нормурадов Феруз Рустамович – Капитал қурилиш бошқармаси техник назоратчиси

«ЭНГ ЯХШИ МУҲАНДИС»

Бурханов Акбар Тошпулатович – «Kasaba qurilish ta'mir» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш ва капитал қурилиш бўйича муҳандиси

«ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЧИ»

Акбаралиев Ойбек Маҳмуджон ўғли – «Kasaba-loyiha» масъулияти чекланган жамияти сантехника, газ материаллари ва жиҳозлари бўйича бош мутахассиси

«ЯШИЛ МАКОН ФИДОЙИСИ»

Карабаев Хикматилла Рахматуллаевич – «Kasaba-obod makon» масъулияти чекланган жамияти директори

«ЭНГ ЯХШИ ҚУРУВЧИ»

Усманов Адхамжон Хамидулло ўғли – «Kelajak mega stroy» масъулияти чекланган жамияти директори

«ЭНГ ЯХШИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТИ РАҲБАРИ»

Ахмаджонов Қудрат Қурбонович – «Kasaba qurilish ta'mir» масъулияти чекланган жамияти раҳбари

«ЭНГ НАМУНАЛИ ҚУРИЛИШ ХОДИМИ»

Амонов Шамшер Усмонович – «Smart constructor» масъулияти чекланган жамияти бинолардан фойдаланиш бўйича муҳандиси

«ЭНГ ЯХШИ ДИЗАЙНЕР»

Умаров Шахзод Нурали ўғли – «Kasaba poligraf design» масъулияти чекланган жамияти менежери

«КАСАБА УЮШМАСИНИНГ ЭНГ ФАОЛ ХОДИМИ»

Бекмирзаев Темирбек Насрулаевич – «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси ўринбосари

«ЭНГ ЯХШИ МУРАББИЙ»

Маматкулова Татьяна Абдурахмановна – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби нодавлат таълим муассасаси директори

Ибрагимова Динара Станиславовна – Ўзбекистон синхрон сузиш бўйича миллий терма жамоаси бош мураббийи

«ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИ»

Гулиев Артур Марленович – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби нодавлат таълим муассасаси спортчиси

Абдулхабибов Азизбек Абдумалик ўғли – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби нодавлат таълим муассасаси спортчиси

Кочнева Дарья Анатольевна – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби нодавлат таълим муассасаси спортчиси

Мамадалиева Шахзода Адхамжон қизи – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Республика ихтисослаштирилган комплекс болалар ва ўсмирлар спорт мактаби нодавлат таълим муассасаси спортчиси

Насиров Абдусамад Абдумажид ўғли – Муз устида хоккей бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби спортчиси

«ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТ»

Абдураҳмонов Салим Жўрақулович – «Ishonch» газетаси таҳририяти Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш бўлими мухбири

Эгамбердиева Холида Раҳимбердиевна – «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририятининг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри бўйича ўз мухбири

«ЭНГ ЯХШИ ОРОМГОҲ»

«Бухоро» болалар соғломлаштириш оромгоҳи.

«ЭНГ ЯХШИ КАТТА ТАРБИЯЧИ»

Турсунов Дилшод Дониёр ўғли – Тошкент вилоятидаги «Угам» болалар соғломлаштириш оромгоҳи катта тарбиячиси

«ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯЧИ»

Абдуҳамидов Достонбек Ғайбулла ўғли – Сирдарё вилояти «Сирдарё» болалар соғломлаштириш оромгоҳи тарбиячиси

«ЭНГ ЯХШИ ЕТАКЧИ»

Сарсенбаева Дурдона Нурлан қизи – Қорақалпоғистон Республикаси «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳи етакчиси

«ЭНГ ЯХШИ ТЎҒАРАК РАҲБАРИ»

Очилова Маржона Олимжон қизи – Сурхондарё вилоятидаги «Амударё» болалар соғломлаштириш оромгоҳи тўгарак раҳбари

«ЭНГ ЯХШИ МОЛИЯ БЎЛИМИ ХОДИМИ»

Маҳмуджонов Зафаржон Восилжон ўғли – Ўзбекистон касаба уюшмаси Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши молия бўлими мудири

«МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ» РЕСПУБЛИКА КЎРИК-ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИНИНГ ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРИ ЎРТАСИДА

1-ўрин – Тоғаев Азизбек Эркинович – Тошкент шаҳар кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси

2-ўрин – Қаюмов Дилшодбек Мамирович – Андижон вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси

3-ўрин – Мизамов Орифжон Рузимуродович – Самарқанд вилояти кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича етакчи мутахассиси

ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШЛАРИ ЎРТАСИДА

1-ўрин – Самарбеков Давронбек Равшанбекович – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

2-ўрин – Адилов Марат Пулатович – Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

3-ўрин – Розиқов Жасур Қобил ўғли – Металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДА

1-ўрин – Айнулина Луиза Фаритовна – Авиаходимлар касаба уюшмаси Республика кенгаши, «Ўзаэронавигация маркази» МЧЖ, ҲҲБ Қарши маркази меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакили

2-ўрин – Данияров Бахром Бахтиярович – Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари ходимлари Республика кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот минтақавий темирйўл узели филиали меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича бош мутахассиси

3-ўрин – Атаджанов Аллаберген Мадримович – Маданият, спорт ва туризм ходимлари Республика кенгаши, Хоразм вилояти мусиқали драма театри меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича муҳандиси

«ЭКОЛОГИК ФАОЛ КАСАБА УЮШМАСИ ЖАМОАСИ» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

1-ўрин – «Birinchi rezinotexnika zavodi» масъулияти чекланган жамияти жамоаси. Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти

2-ўрин – Саноат темирйўл транспорти бошқармаси жамоаси. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамияти ходимлари касаба уюшмаси кенгаши бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти

3-ўрин – «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи. Энергетика, нефть-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти

«МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ БИЛИМДОНИ» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

1-ўрин – Тошболтаева Муқаддасхон Жумавойовна – Фарғона вилояти Бағдод тумани 3-сонли кимё ва биология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати биология фани ўқитувчиси

2-ўрин – Юсупова Нилуфар Нематжоновна – Ўзбекистон Маҳаллалар уюшмасининг Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар бўлими Маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш ва рақамлаштириш бўйича бош мутахассиси

3-ўрин – Омонов Акбаржон Абдуқахорович – Самарқанд вилояти Жомбой тумани 6-умумтаълим мактаби информатика фани ўқитувчиси

«КАСАБА ИШОНЧИ» ОНЛАЙН ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

«ЭНГ ФАОЛ АЁЛ РАИСА»

1-ўрин – Абдуллаева Саидахон – Фарғона вилояти Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раисаси

2-ўрин – Бекимбетова Сайяра – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тахиатош тумани бўлинмаси кенгаши раисаси, Қорақалпоғистон Республикаси

3-ўрин – Мадаминова Меҳрибон – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилояти Урганч тумани бўлинмаси кенгаши раисаси

«ЭНГ НАМУНАЛИ ТУМАН (ШАҲАР) КЕНГАШИ»

1-ўрин – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани бўлинмаси кенгаши

2-ўрин – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Зомин тумани бўлинмаси кенгаши

3-ўрин – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани бўлинмаси кенгаши

«ЭНГ НАМУНАЛИ БОШЛАНҒИЧ КАСАБА УЮШМАСИ»

1-ўрин – Жиззах шаҳар 22-мактаб касаба уюшмаси қўмитаси

2-ўрин – Хоразм вилояти Хонқа тумани 34-мактаб касаба уюшмаси қўмитаси

3-ўрин – Қашқадарё вилояти Деҳқонобод тумани 70-мактаб касаба уюшмаси қўмитаси

«КАСАБА УЮШМАНИНГ ЭНГ ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИСИ»

1-ўрин – Кимёназарова Шаҳноза – Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси

2-ўрин – Исақова Моҳидил – Учкўприк тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси

3-ўрин – Шарипова Шаҳноза – Ички ишлар вазирлиги Бухоро академик лицейи касаба уюшмаси қўмитаси раиси

«ЭНГ НАМУНАЛИ САНАТОРИЙ»

«Абу Али ибн Сино» санаторийси

«ЭНГ НАМУНАЛИ ҲУДУДИЙ КЕНГАШ»

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг **Фарғона вилояти** кенгаши

«ЭНГ НАМУНАЛИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ»

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

«КАСАБА УЮШМА ФИДОЙИСИ»

Бекқулов Мурод – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Мирзачўл тумани бўлинмаси кенгаши раиси

Таштанов Фарҳод – Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар бўлинмаси кенгаши раиси

Кучкарова Азиза – «Андижон халқаро аэропорти» касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Ахмадқулов Рустам – «Ўзбекгеофизика» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Мирзоякубова Сайёра – Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилояти масъул ташкилотчиси

КУЧЛИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ – КУЧЛИ ЖАМИЯТ АСОСИ











Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН** кенгашида 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан «Янги Ўзбекистон – янги касаба уюшмалари» шиори остида байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда Жўқорғи Кенгес Раиси Аманбай Оринбаев иштирок этиб, соҳа ходимларини самимий табриклади.

Шундан сўнг бир гуруҳ фаоллар «Ибратли аёл», «Ардоқли нуроний», «Ватан фидойиси» кўкрак нишонлари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

– Кўп йиллик меҳнатим эътироф этилиб, «Ибратли аёл» кўкрак нишонига лойиқ кўрилдим, – дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги бошқармаси касаба уюшмаси қўмитаси раиси Сарбиназ Утемуратова. – Бу мен учун чинакам байрам совғаси бўлди.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар даврага янада файз бағишлади.

Фотима АБДУРАИМОВА
«ISHONCH»

* * *

«Софинур» тантаналар саройида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг **БУХОРО** вилояти кенгаши маданий-маърифий тадбир ўтказди. Тантанада Федерация раиси ўринбосари Ҳайдар Фозилов сўзга чиқиб, соҳа ходимлари ва йиғилганларни байрам билан муборакбод этди.

Тадбирда ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшган бир гуруҳ ҳамкорларга самимий миннатдорлик рамзи сифатида ташаккурномалар топширилди. Шунингдек, алоҳида ўрнак кўрсатган фаоллар ҳамда соҳа нуронийлари фахрий ёрлиқлар билан тақдирландилар.

Вилоятнинг таниқли санъаткорлари ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА
«ISHONCH»

* * *

Касаба уюшмалари фаоллари, ҳокимлик, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида **ЖИЗЗАХ** шаҳрида бўлиб ўтган тантанада Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси бўлим бошлиғи Улуғбек Ҳамидов, Федерациянинг вилоят кенгаши раиси Нусуратулла Пардаев ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар аҳоли мурожаатлари билан ишлаш, жамоат шартномаларини янгилаш, меҳнаткашлар, ёшлар ва эҳтиёжмандларни моддий қўллаб-қувватлаш, ишчи ва ходимлар саломатлигини тиклаш юзасидан амалга оширилган ишларни мамнуният ила эътироф этишди.

Соҳа илғорлари эсдалик ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилиб, «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликни қўлга киритган ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар «Ғамхўрлик» маркази ҳамда «Жиззахйўлкўкалам» давлат муассасаси вакилларига кўкрак нишонлари топширилди.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»

* * *

САМАРҚАНД шаҳридаги «Royal Hall» базмгоҳида ташкил этилган тантанали тадбир аввалида вилоят ҳокими Адиз Бобоевнинг 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан соҳа вакиллари, касаба уюшмалари аъзолари ва меҳнат фахрийларига йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди. Унда ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтиришда касаба уюшмаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс экани таъкидланган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари бош муҳаррири Ҳусан Эрматов касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги устувор вазифалар ва эришилаётган натижаларга тўхталди.

Байрам тадбири доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилган «Меҳнат ҳуқуқи билимдони» кўрик-танлови иштирокчиларига диплом ва эсдалик совғалари улашилди.

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

* * *

СУРХОНДАРЁ вилоятининг Термиз шаҳридаги «Royal Hall» тантаналар саройида ўтган байрам тадбирида вилоят ҳокими ўринбосари Алишер Амиров касаба уюшмаларининг жамият ва меҳнат жамоалари ҳаётидаги ўрнини, ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлардаги муносиб ҳиссасини айтиб ўтди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – Меҳнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Абдукарим Аҳмедов Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари мамлакатимиз ривожи, элимиз фаровонлиги йўлида кўплаб самарали ишларга камарбаста бўлаётганини таъкидладилар.

Тадбир давомида ижтимоий ҳамкорлар ва турли танловлар ғолиблари касаба уюшмаларининг ташаккурномалари ҳамда қимматбаҳо совғаларига лойиқ кўрилди. Бу эса соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, ўз меҳнати ва ташаббуси билан бошқаларга ўрнак бўлаётган инсонларга кўрсатилаётган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Чори ЖУМАҚУЛОВ
«ISHONCH»

* * *

ҚАШҚАДАРЁ вилоятининг Қарши шаҳридаги «Офарин» ресторанидаги тантанали тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев ҳамда вилоят ҳокими Муротжон Азимов йиғилганларни байрам билан табриклаб, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритишди.

Маросимнинг эътиборли жиҳатларидан бири меҳнат фахрийлари, касаба уюшмалари фаоллари ва турли соҳаларда сидқидилдан меҳнат қилаётган ходимларга эътибор кўрсатилгани бўлди. Жумладан, Қашқадарё вилояти ҳокими Муротжон Азимов Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони билан тақдирланди.

Баҳодир ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

* * *

ФАРҒОНА шаҳридаги «Афросиёб» тантаналар мажмуасида ўтказилган байрам тадбирида сўзга чиққанлар касаба уюшмалари тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ташкилотнинг халқаро миқёсдаги нуфузи ва ҳамкорлик алоқалари тобора кенгайиб бораётганини эътироф этдилар.

Байрам муносабати билан юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, касаба уюшмалари ҳаракати ривожига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ соҳа ходимлари ҳамда меҳнат фахрийларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари тақдим этилди.

Тантанада Фарғона вилояти ҳокими Хайрулла Бозоров, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси масъуллари, Федерациянинг вилоят кенгаши раиси Эркинжон Нуралиев иштирок этди.

Лолахон АҲМЕДОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши раиси ўринбосари

* * *

ХОРАЗМ вилоятининг Урганч шаҳридаги «Diamond Hall» базмлар уйида бўлган байрам тадбирида вилоят ҳокими ўринбосари Шерзод Бердиев Янги Ўзбекистонда инсон ҳаёти, унинг саломатлиги, ҳуқуқ ва манфаатлари, қадр-қимматини ишончли ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканини, бу жараёнда касаба уюшмаларининг фаол иштироки борлигини қайд этди.

Федерация аппарати раҳбари Олимжон Салиев «Кучли касаба уюшмалари – кучли жамият асоси» тамойили бугунги кунда меҳнат муносабатларини ривожлантириш, иш берувчи ва ходим ўртасида ишончли мулоқотни йўлга қўйиш, жамоаларда ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатлик муҳитини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлади.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган танловлар ғолиблари муносиб рағбатлантирилди.

Касаба уюшмалари ҳаракатининг ривожланишига, ходимлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, меҳнат жамоаларида ижтимоий шерикликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган касаба уюшмаси фаолларига вилоят ҳокимлиги фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари улашди.

Шунингдек, бир гуруҳ фаоллар ва ҳамкорлар, иш берувчиларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА
«ISHONCH»

* * *

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилиш йўлидаги фаолияти билан жамият ҳаётида муҳим ўрин тутади.

НАМАНГАН вилоятидаги «Навбаҳор» мажмуасида ушбу тизимда меҳнат қилаётганлар ва унинг фаоллари иштирокида ўтган байрам тадбирида шу ҳақда сўз борди. Унда вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов иштирок этиб, ходимлар ва фаолларни самимий табриклади.

Касаба уюшмалари ҳаракати ривожига муносиб ҳисса қўшаётган соҳа фидойиларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамда вилоят ҳокимининг ташаккурномалари ва эсдалик совғалари топширилган тантанада санъат усталари ва хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар янгради. Кулги усталарининг чиқишлари иштирокчиларни янада хушнуд этди.

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»

* * *

СИРДАРЁ вилоятининг Гулистон шаҳридаги «Наврўз» тантаналар уйида ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Дониёр Қодиров, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фахрийлар кенгаши раиси Адҳам Миржалилов мамлакатимизда касаба уюшмалари тизимини ривожлантириш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритдилар.

Беш нафар касаба уюшмаси қўмитаси раисига вилоят ҳокимлиги фахрий ёрлиқлари, тармоқ касаба уюшмаларининг ташаббускор вакилларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси вилоят кенгашининг ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА
«ISHONCH»

* * *

НАВОИЙдаги «Муҳташам» тантаналар масканида маданий-маърифий тадбир ўтказилди. Жамоат ташкилоти томонидан барча соҳаларда фаолият олиб бораётган ҳар бир ходимни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланган ушбу анжуманда касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилаётган бир гуруҳ фаолларга «Эҳтиром» нишони, фахрий ёрлиқ, ташаккурнома ва эсдалик совғалари топширилди.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Умид ХУДОЙҚУЛОВ
«ISHONCH»

* * *

ТОШКЕНТдаги «Туркистон» санъат саройида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг шаҳар кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тантанали тадбир аввалида Федерациянинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси Сайфулла Аҳмедов йиғилганларни байрам билан самимий табриклаб, касаба уюшмалари ҳаракатининг жамият ҳаётидаги ўрни, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, тизим вакилларининг масъулиятига тўхталди.

«Нуроний» жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими раиси, сенатор Рустам Калонов касаба уюшмаларининг меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёш авлод тарбиясига қаратилган ишларини алоҳида эътироф этди.

Кўп йиллик ҳалол меҳнати билан касаба уюшмалари ҳаракати ривожига ҳисса қўшган фахрийлар ва соҳа вакилларидан 20 нафарига эсдалик совғалари берилди.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»

* * *

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИнинг Қибрай туманида бўлиб ўтган байрам тадбирида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев касаба уюшмалари ходимлари, фаоллари ва соҳа фахрийларини байрам билан муборакбод этиб, касаба уюшмаларининг жамият ҳаётидаги ўрни, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда меҳнат жамоаларида соғлом муҳитни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишларни айтиб ўтди.

Тантанали маросимда касаба уюшмалари тизимида самарали фаолият юритиб, меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ фаолларга ташаккурномалар ва эсдалик совғалари улашилди. Шунингдек, вилоят ҳокими Зойир Мирзаевга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Эҳтиром» нишони топширилди.

Марҳабо ҲАЛИЛОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Тошкент вилояти кенгаши етакчи мутахассиси

* * *

АНДИЖОНдаги тантанали тадбирда вилоят ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов соҳа ходимларини байрам билан қутлаб, давлатимиз раҳбари томонидан меҳнат муносабатларини тартибга солиш, корхона ва ташкилотларда хавфсиз ҳамда муносиб меҳнат шароитларини яратиш борасида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросига тўхталди. Жамиятда ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтиришда касаба уюшмаларининг тутган ўрнини юқори баҳолади.

Кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнати билан соҳа ривожига, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқларида ходимларни қўллаб-қувватлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган тизим ходимлари, шунингдек, ташаббускор фаоллар ташаккурнома ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланган тадбир якунида иштирокчилар учун махсус тайёрланган бадиий дастур намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз



MUASSIS:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),*
Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),*
Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Navoiy viloyati – (+998-90) 500-05-12
Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27
Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrirlar:
Darmon IBRAGIMOV,
Alijon ABDURAHMONOV

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDUJALILOV

Bosishga topshirish vaqti – 03:20
Topshirildi – 03:40

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 36 013 та
Shundan: 7 498 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;
19 324 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
9 191 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq. Buyurtma: 1111

1 2 3 4 5 6